

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2014 йил
24 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 103 (12739)

www.th.uz

Утган якшанба – 21 декабрь кунини мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Бу Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар янада чуқурлашиб, қонун ижодкорлиги ривожланаётган бир даврга тўғри келди.



ОШКОРА ВА ДЕМОКРАТИК РУҲДА

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда сиёсий партияларнинг жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнидаги иштироки янада фаоллашди. Республикаимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам сайловлар халқро меъёр ва андозаларга мос миллий сайлов қонунчилигимиз, унда белгиланган очиклик, ошкоралик ва адолатлилиги каби демократик тамойилларга тўла мувофиқ ҳолда ўтказилди. Вилоятда 1 миллион 908 минг 759 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, шундан 121 минг 867 нафари биринчи марта овоз берди.

Вилоятимиз аҳли қонун билан қафолатланган фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланиб, сайловда юксак сиёсий фалонлиқ кўрсатиб, юртимиз келажаги, унинг янада раванқ топиши учун муносиб номзодларга овоз берди. Вилоят сайлов комиссиясига овоз бериш жараёнининг бориши тўғрисидаги маълумотлар он-лайн режимида мунтазам келиб турди. Шу кунини жами 1 миллион 712 минг 156 фуқаро сайловда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 89,7 фоизига тенг дедикди. Сайловчилар, айниқса, Ангрен, Бек-обод Олмалик шаҳарлари ҳамда Қибрай, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Паркент ва Пискент туманларида фаол иштирок этишди.



Бўқа тумани "Ҳўжақўрғон" маҳалласидаги 256-сайлов участкасида ҳам эрта тонгдан давлат мадҳияси янграб, овоз бериш жараёни кизгин бошланди ва кун бўйи сайловчилар билан гажум бўлди.

– Кун давомида сайловчиларнинг фаол иштироки кузатилди, –

деди участка сайлов комиссияси раиси Саидбаҳром Фуломов. – Рўйхатдан ўтган 2 минг 211 нафар сайловчидан 48 нафари илк бор овоз берган ёш йигит-қизлардир. Яна турли сабаблар билан бу ерга келолмаган 11 сайловчининг хонадонига муҳрланган кўчма сайлов

кутиси кузатувчилар иштирокида жўнатилди. – Сайловга тайёргарлик жараёнида бир неча бор номзодлар билан учрашиб, уларнинг дастурлари билан танишдим, – дейди сайловда илк бор иштирок этаётган янгийўллик Дилафруз Йўлдошева. – Уларнинг энг муносиби-

га овоз бердим. Ишончманки, мен қувватлаган номзодлар агар сайланса, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллик кўрсатиб, эл манфаати-га хизмат қиладилар. Сайлов кунини соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти сайлов комиссиялари халқро ва хорижлик ку-

затувчилар, маҳаллий, шунингдек, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида брифинг ўтказди. Унда пойтахт ва вилоятимизда овоз бериш жараёнининг бориши тўғрисида ахборот берилди.

(Давоми 2-бетда).

Таълим

КИТОБ БИЛАН ДЎСТЛАШИБ...

Мамлакат ёшларининг мукаммал таълим-тарбия олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида янги таълим муассасалари барпо этилмоқда, мавжудлари замонавий талаблар асосида тубдан таъмирланмоқда.

– Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади, – дейди Олмалик санат касбхона коллежи раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Инобат Отабоева. – Чунки улар учун имконият ҳам, имтиёз ҳам етарли.

Коллежда 1824 ўқувчи таълим олмақда. 50 дан зиёд ўқитувчи ва 30 нафар таълим усталари ёшларга сабоқ беришмоқда. Абдувосид Носиров раҳбарлик қилаётган билим масканида 11 та йўналиш мавжуд бўлиб, шу йил талаб ва истакларга биноан қўшимча "Компьютер техникасини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш" факультети ҳам очилди.

Коллежда 58 йўналишда тўғрақлар ишлаб турибди. Уларда талабалар дарсда ўрганганларини мустақамлаш билан бирга бўш вақтларини мазмунли ўтказдилар. Бу ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишда қўл келаяпти.

Билим маскани мустақам моддий-техник базага эга бўлиб, кутубхонадаги 32 мингдан зиёд

ўқув қўлланма ва адабиётлар талабалар ихтиёрида. – Ҳар кунини кутубхона ёнидан ўтганимда қўлида китоб ёки мутулаа қилаётган ёшларни кўриб, қувониб кетаман, – дейди коллеж психологи Махфуза Худойкулова. – Зеро, китоб билим манбаи. Уни мунтазам мутулаа қиладиган одамнинг онгу тафаккури ва дунёқараши кенг ривожланади.

Коллежда ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларнинг ўз истеъодларини намойён этишлари учун барча шарт-шароитларни яратилмоқда. Натижада, коллеж ёшлари турли мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлар салмоқли бўлиб бормоқда. Жумладан, таэквандо йўналишида Хулқар Усмонова ва Достон Самадов вилоят босқичига йўлланма олишди. 2014 йилда 40 га яқин битирувчилар олий ўқув юртиларига кириб, тахсил олмақда.

Муҳаддас ИСРОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

ЎҚИТУВЧИ УҚУВЛИ БЎЛИШИ КЕРАК

Вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, туман ва шаҳар таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўтказаятган амалий семинар ва маънавий-маърифий тадбирлар баркамол авлодни тарбиялаш, оила институти ва таълим муассасалари билан ўзаро алоқаларини янада яхшилашга хизмат қилапти.



– Ҳозир вилоятимиздаги 883 та умумтаълим мактабиде 8297 бошланғич синф ўқитувчиси ишлаяпти. Уларнинг 4961 нафари олий, 3336 нафари ўрта махсус маълумотли педагоглардир, – деди институт ректори, педагогика фанлари номзоди, доцент Рўзимурод Чориев. – Уларнинг касбий малакаларини оширишда "Маҳорат мактаблари"нинг ўрни муҳимдир. Вилоятимизнинг 18 та ҳудудидеги 36 та шундай мактабларда 19 фан кесимида янгиликлар интерфаол дарслар орқали ўқувчиларга етказилаётган. Институти-мизнинг 140 дан зиёд

профессор-ўқитувчи ва ходимлари 28 мингдан зиёд фан ўқитувчиларини ҳар 3 йилда малака ошириш курсларида ўқитишяпти. Ўқитувчилар билан "Бошланғич таълимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишнинг аҳамияти" мавзусидаги илмий-амалий семинар, "Болаларни билиш жараёни, атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш" мавзусида давра суҳбати, "Бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятида педагогик инновациялар", "Бошланғич синф ўқитувчисининг қиёфаси ва таълимдаги инновациялар" мавзусидаги семинар-тренинглар, "Ўқитувчиларда ўқув предмети мустақил ўзлаштиришни шакллантириш" мавзусидаги давра

суҳбати, "Бошланғич таълимдаги инновацион ёндашувларнинг илмий-назарий ва педагогик асослари" мавзусидаги дарс тақдиротлари ҳам мароқли, ҳам фойдали бўлаяпти. Зиёли, ижодкор, олим ва санъаткорлар, меҳнат фахрийлари билан турли мавзулардаги "очик дарс", амалий машғуллот, учрашув, тренинг ва давра суҳбатлари, ижодий кечалар ташкил қилинмоқда. "Соғлом муҳит – соғлом жамоа" шioriга амал қилинган ҳолда жисмоний маданиятни ривожлантириш мақсадида педагогик жамоада "Биз – бир жамоа, биз – бир куч", "Соғлом аёл – соғлом оила" мавзусида спорт мусобақаси ва кўриқлар мунтазам ўтказилади.

(Давоми 4-бетда).

Одил судлов

АДОЛАТ МЕЗОНИ

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда ноқ суд-хуқуқ тизимига алоҳида эътибор қаратиб, қўллаб-қўллаб ислохотларни амалга оширди ва бу жараён хануз давом этмоқда. Мақсад – тизимнинг одил фаолият юритиши, адолатли қарорлар чиқариши, жамиятда қонун устуворлиги, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашдир. Афсуски, айрим ҳолларда судларнинг нотўғри қарорлар чиқариш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Вилоят суди биносиде фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсатининг жорий йил 18 сентябрда кўриб чиққан иши фикримизнинг тасдиғидир. Унда аниқла-нишчи, аризачи Рашид Саидов оила аъзолари билан 1992 йилдан буён яшаб келган

(Давоми 2-бетда).

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛИ

Мамлакат суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлардан асосий мақсад демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан бири бўлган қонун устуворлигини таъминлашдир. Шу боис, суд-хуқуқ тизимини босқичма-босқич ислох қилишга қаратилган изчил давлат сиёсати мамлакат ижтимоий-иқтисодий негизига путур етказувчи коррупция иллатининг ҳар қандай таҳдидига қарши курашни янада кучайтиришни тақозо қилади.

Коррупцияга қарши курашиш, мансабдор шахсларнинг порахўрлигини фош этиш ва ушбу жиноятларнинг олдини олиш мақ-

садида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Коррупцияга қарши кураш тизими асосан мансабдор шахсларнинг пора

олиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган бўлиб, уларни пора олишга қизиктирувчи, воситачилик қилувчи ва бевосита пора берувчилар қўл ҳолларда жиноий жавобгарликдан қўтилиб қолаётгани бундай жиноятларни қамайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарадорлигига акс таъсир кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Йил сарҳисоби

УЛКАН МАҚСАД ВА ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

Одатда, Янги йилни кутиб олаётганда ҳар ким ортига бир назар ташлаб, эришган ютуқларини мамнулик билан ёдга олади. Шу жиҳатдан поёнига етиб бораётган Соғлом бола йили юртимиз таракқиёти, элимиз фаровонлигига салмоқли хисса қўшди, десак асло муболаға бўлмайди. Шу боис бугун байрам кайфияти ҳукмрон бўлган юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, бир-бирига меҳр ила боқаётган, қалби эзгуликка лиммо-лим кишиларнинг қувончига шерик бўласиз.

Янги йилни вилоятимиз аҳли ҳам кўтаринки руҳда, муносиб ютуқлар билан қарши олаётган. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг қўллаб-қўллаб тармоқлари фидойи, ҳалол ва меҳнатсевар замондошларимизнинг азму-шижоати билан гуллаб-яшнамоқда, раванқ топмоқда. Айниқса, шаҳаро кишлоқларимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари, йирик сановат марказларидан тортиб, чекка-чекка ҳудудлардаги иқтисодий юксалиш жараёниларини кўриб кўз қувнади.

Масалан, Тўйтепа томонларга юрсангиз, ободлик ва фаровонлик кишлоқларимизга нечоғлиқ дадил кириб бораётганга гувоҳ бўласиз. Йўл ёқасидаги пастқам, лойсувоқ уй-жойлар ўрнини пишиқ гиштдан, замонавий қиёфада барпо этилган 200 дан зиёд қўп қаватли иморатлар эгаллади. Қўчалар ёруғ ва чароғон бўлди. Айниқса, Ўрта Чирчиқ туманининг бошланғич нуктасидаги Қумовул кишлоғининг жамоли тобора очилиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

Байрам таратдуду

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Янги йил байрамини кўтаринки кайфиятда, катта шодибна билан нишонлашга Чирчиқ шаҳрида ҳам қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.



"Кимёгарлар" маданият саройи майдони, Алишер Навоий номидаги бог ҳудуди ҳамда шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойларида бунёд этилаётган "Эрталар шаҳарчаси"да Янги йил байрами томошалари 27 декабрь кунидан бошланади. Тадбир доирасида турфа ўйинчоқлар, совғалар, китоблар, ўқув қуролларининг кўرғазма-ярмаркаси ташкил этилмоқда.

– Янги йил байрамига шаҳардаги барча ижодий ташкилотлар алоҳида тайёргарлик кўраётган, – дейди Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Малҳоҳат Эгамназарова. – Байрамда болажонлар эътиборига театрлаштирилган томошалар, цирк, ёш ижрочилар иштирокидаги концерт ва мусиқий дастурлар ҳавола этилади. Ўқувчилар учун турли қизиқарли викториналар, интелек-

туал беллашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Шу кунларда шаҳардаги савдо мажмуалари, корхона ва ташкилотлар атрофи, кўча ва йўл четларидаги арчалар байрамона ясалтирилмоқда. Дарахтлар ва биноларга ранг-баранг чироқлар ўрнатилмоқда.

Маҳалла ва бозорлар ҳудудида ташкил этилаётган байрам ярмаркаларида турли кишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзон нархларда сотилмоқда.

Байрам сайли тарзида ўтказилаётган Янги йил шодибналари вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманлари майдон ҳамда хибоблариде ҳам ташкил этилмоқда. Мазкур жараёнда эҳтиёжман, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бекзод ХИДОЯТОВ,
ЎЗА муҳбири.

Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-1668. Адади 7632. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00.